

Йўлдаги воқеа



16:00 / 06.01.2024 3847

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамроҳлари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу билан Мадина сари йўлда боришар экан, бир жойда тўхтаб, бир чўпоннинг ўзидан рухсат сўраб унинг қўйи сутидан ичишади.

Одатда арабларда сутни бироз совутиш учун унга муздек сув қўшиб ичишар эди. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу сув қўшилган сутни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга узатадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чанқоқлари босилгунча ҳалиги муздек сутдан ичадилар. Бу ҳолни кўриб турган Абу Бакр Сиддиқ шундай баён қиладилар:

“Мен сутни Набий алайҳиссалату вассаломга узатдим. У зот чанқоқлари

босилгунча сутдан ичдилар ва чанқоқлари босилди. Бу ҳолни кўриб мен тўйдим, менинг ҳам чанқоғим босилди”.

Қаранг, бирга йўлга чиққан, сафар машаққатларини бирга бошдан кечирган, биргаликда чанқаган, биргаликда қийналган, чангу тўзонга беланган Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳали бир қултум сут ичмасдан, сув ичмасдан маҳбубининг сув ичиб, сут ичиб чанқоқлари босилганини кўриб, “Мен тўйдим, чанқоғим босилди” деяптилар. Бу жуда ҳам буюк муҳаббат, азизлар.

Абу бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳақларида, у кишини севиш ҳақида баъзи гапларни уламоларимиз келтиришган.

Жумладан, Ибн Жавзий раҳматуллоҳи алайҳи шундай деганлар:
“Салафи солиҳларимиз ўз фарзандларига Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумони севишни худди Қуръондан бир сура ўргатгандек ўргатишар эди”.

Қаранг, Қуръони Каримдан бир сура ўрганиш қандай муҳим бўлса, қандай жиддий иш бўлса, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумога бўлган муҳаббатни ўрганиш-ўргатиш ҳам ана шундай жиддий иш деб қарашар эди.

Тобеинлардан Масруқ раҳматуллоҳи алайҳи “Албатта, Абу Бакр ва Умарни яхши кўриш, уларга муҳаббат қўйиш суннат амаллардандир” деганлар. Бу гапни эшитган бир киши Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳининг ҳузурларига бориб, “Эй буюк имом, эй тобеинларнинг буюги, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумони севиш суннат амалми?” деб сўраганда, у киши “Йўқ, балки уларни севиш фарз амаллардандир” деб жавоб берганлар. Ҳа, азизлар! Воқеамиз қаҳрамони ана шундай буюк мақом соҳиби эдилар. У кишининг саҳобаликлари Роббул оламийн томонидан тасдиқланган, умматга баён этилган зот эдилар. У киши бутун борлиқларини оила аъзолари билан биргаликда Ислом учун фидо қилдилар, шу йўлда хизмат қилдилар.

Аллоҳ таоло бизга ҳам ана шундай муҳаббат берсин! Ибодатларимизни

ихлос билан ўз вақтида адо этиб боришимизни насиб этсин, омин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли
хулосаси асосида тайёрланди.*